

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-3.03

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ЯНГИ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Примов М.,
к.ўқ. Султонов Қ.

Такризчилар: проф. Куронов М.,
проф. Тожиев М.

"Янги педагогик технологиялар" фани дастурида асосий эътибор янги, замонавий усуллар ҳамда илмий асосланган тамойиллар ва қонуниятлар асосида таълим жараёнини шакллантиришга қаратилган.

"Янги педагогик технологиялар" фани дастурида таълим жараёнини лойиҳалаштириш, таълимда мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш, интерактив таълим, мультимедиа тизимлари асосида таълим бериш каби мавзулар қамраб олинган.

Шунингдек тезкор усулларда, кенг қамровли технологиялар ва бошқа ноанъанавий усуллар асосида билимларни ҳаққоний ва аниқ баҳолаш муаммосига алоҳида эътибор қаратилган.

В программе по предмету "Новые педагогические технологии" основное внимание уделяется процессу образования при помощи новых, современных условий и приёмов на основе научно обоснованных принципов и закономерностей.

В программе изучается и анализируется: проектирование образовательного процесса, конкретизация целей и задач в обучении, интерактивное обучение, обучение с использованием мультимедийных систем и др.

Кроме того, большое внимание уделяется проблеме объективного и точного оценивания знаний с использованием оперативных условий, широко охватывающих технологий, других нетрадиционных условий.

In subject "New pedagogics technologies" main attention sparing to the proses of education with helping new and modern methods and ways on basic of scientific principles and conformity to natural laws.

In subject "New pedagogics technologies" learning and analysis: projecting of education process, clearing of aims and tasks on training, interactive training, instruction with using system of multimedia and etc.

Besides, great attention sparing to the problem of evaluating knowledge exactly and objectivly with using operation ways, wide spreading technologies and other untraditional methods.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Иқтисодиёт олий ўқув юртлари бугунги кун талабларига жавоб берадиган иқтисодчи-педагог кадрларни тайёрлашда "Янги педагогик технологиялар" фанини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. "Янги педагогик технологиялар" фанида таълим ва тарбиянинг бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда баён қилиниши керак бўлган тамойиллари, қонуниятлари, услуб ва тизимлари ўз аксини топган. Айниқса, бунда ўқитишнинг интерфаол, кўргазмали ҳамда тезкор услубларига катта эътибор берилган.

Фанни ўқитишдан асосий мақсад бакалаврларга мазкур фан бўйича тўлиқ ахборотни бериш ва уларда ўз фаолиятларида янги педагогик технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиш кўникмасини ҳосил қилиш ҳисобланади.

"Янги педагогик технологиялар" фанини мукамал ўрганмоқ учун фалсафа, педагогика, психология, социология каби фанларни банк иши, суғурта, солиқ, бухгалтерия ҳисоби мутахассисликларига оид фанлар билан узвийликда ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар

Илғор педагогик технологияларнинг моҳиятини, асосий тамойиллари ва мақсадларини тушуниш. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда улардан фойдаланиш малакасига эга бўлиш.

Қуйидаги тажрибага эга бўлиши керак:

- машғулотларда ўқув материалларини ўзлаштириш режаси ва машғулотнинг режа конспектларини турли-хил шаклларда тузиш;
- замонавий педагогик тамойиллар асосида таълимни, билим олишни ташкил қилиш;
- талабалар мустақил ишлашини ва мустақил таълимини илмий-услубий жиҳатдан мукамал ташкил қила олиш.

Семинар машғулоти бўйича бажариладиган ишларнинг минимал миқдорига талаблар

Иқтисодчи-бакалаврлар "Янги педагогик технологиялар" фанини ўзлаштириш жараёнидаги, семинар машғулотларини баҳс мунозара шаклида олиб бориш, мавзулар бўйича тест вариантларини тузиш, берилган адабиётлардан фойдаланган ҳолда амалий машғулоти саволларига жавоблар, рефератлар ёзиш кўзда тутилади.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Намунавий ўқув режасида мазкур курсга 81 соат ажратилган. Уларнинг 27 соати маъруза, 27 соати семинар машғулотларидан, 27 соати мустақил таълимдан иборат. Мазкур курсни ўзлаштириш натижасида бакалаврлар янги педагогик технологиялар соҳасида билим ва кўникмаларига эга бўладилар.

Бакалаврлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Янги педагогик технологиялар" курсидан бакалаврлар билимини назорат қилиш икки марта ЖБ, икки марта ОБ, бир марта ЯБ шаклида ўтказилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Янги педагогик технологиялар" курсини ўқитишда альбомлар, компьютерлар, аудио ва видео ускуналар, проекторлар ва слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

"Касб таълими" йўналишларида "Янги педагогик технологиялар" фани намунавий ўқув режаси бўйича 7-семестрда ўқитилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Анъанавий педагогик қарашлар ва ёндашувлар: тарих ва ҳозирги замон

Қадимги дунёдаги педагогик қарашлар. Ўрта асрлардаги педагогик таълимотлар. Янги даврдаги педагогик қарашлар ва ғоялар. Марказий Осиё халқларининг педагогик анъаналари. *XIX асрнинг биринчи ярми ва XX асрдаги анъанавий педагогика*. Илмий техника инқилоби даврида жамият ҳаётининг барча томонларини жадаллашуви, глобаллашуви ва илмий-техникавий инқилоб асрида анъанавий педагогика муаммоларни ҳозирги замонга мос келмаслиги. Янги педагогик технологияларнинг вужудга келиш манбалари.

Янги педагогик технологияларни ижтимоий психологик асослари

Бихевиоризм ғоялари ва уларнинг янги педагогик технологиялар вужудга келишидаги роли (Дж. Уотсон, Э. Торндайк, С. Пресси, Б. Скиннер). *Янги педагогикада рағбатлантиришнинг роли.* АҚШ, Ғарбий Европа, Япония ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатларида янги педагогик технологияларни ривожлантириш тамойиллари. Янги педагогик технологияларнинг Ўзбекистонда жорий этилишининг бошланиши. И.Каримов-Ўзбекистонда янги педагогик технологиялар яратишнинг асосчиси.

Таълим беришда турли хил ёндашувларни таққослаш

Анъанавий тушунтирувчи-иллюстрация ёндашуви. Унинг имкониятлари чекланганлиги ва замонавий шарт-шароитларда уларни такомиллаштириш зарурияти. Янги педагогик технологияларнинг моҳияти. Ўқув жараёнида таълим оловчиларнинг фаоллигини таъминлаш. Ўқув материалларини тақдим этишнинг муқобил усуллари. Ижодий муаммоларни мустақил ҳал этиш қобилиятларини ривожлантириш. Шахсни изланувчанлик йўналиши сари йўналтириш. *Педагогикада технологик ва ижодий изланувчанлик ёндашувларини қўшиб олиб бориш зарурати.*

Замонавий таълим беришнинг қонунлари ва қонуниятлари

Торндайк қонунлари: ўзаро алоқадорлик қонуни, машқ қилиш қонуни, жадаллик қонуни, ассимиляция қонуни, самарадорлик қонуни. Таълим жараёнининг умумий қонуниятлари: таълим бериш мақсадлари қонунияти, таълим бериш мазмуни қонунияти, таълим сифати қонунияти, таълим усуллари қонунияти, таълимни бошқариш қонуниятлари, таълимни рағбатлантириш қонуниятлари.

Таълимдаги хусусий қонуниятларнинг таъсир соҳалари: Дидактик (мазмуний-процессуал) қонуниятлар, гносеологик қонуниятлар, психологик қонуниятлар, кибернетик қонуниятлар, ташкилий қонуниятлар, педагогик технологияларнинг таърифи. *Педагогик технологияларнинг асосий белгилари: педагогик жараёнларнинг таххислилиги ва такрорланувчанлиги.*

Мақсад ва вазифаларни лойихалаштириш

Анъанавий ўқув жараёнида мақсадларни қўйиш: Ўрганилаётган мазмун орқали мақсадларни белгилаш, педагогик фаолият орқали мақсадларни белгилаш, таълим оловчиларнинг ўқув фаоллиги орқали мақсадларни белгилаш.

Идентификациялашган ўқув мақсадлари. Ўқув натижаларининг турли даражалари: асосларни ўзлаштириш, асосларни ўзлаштиришдан маҳоратни

эгаллашга ўтиш, материални ўзлаштиришдан маҳорат билан эгалланадиган тўлик эгаллашга ўтиш. Б. Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси.

Самарали (продуктив) ва ижодий-изланувчанлик даражасида ўзлаштириш учун педагогик технологиялар

Аниқ белгиланган ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган машғулот таркиби. (Р. Ганье, Л. Бриггсу, А. Ромишевски, Келлер усуллари). Ўқув жараёнини "Кашф этиш орқали таълим бериш" усули воситасида ташкил этиш модели. Контекст таълим технологияси: Талабаларнинг ўқув фаолияти мазмунини мутахассислар касб-ҳунар фаолиятининг шакл ва усуллари мазмунига максимал даражада яқинлаштириш. *Амалий ўйинлар*. Машғулотларни ўтказишдаги ёндашувлар вариантлари.

Аналитик тафаккурни ривожлантириш усулида таълим бериш асослари

Аналитик тафаккурнинг очиқ ва демократик жамият тамойилларига мослиги. "Аналитик тафаккурни ривожлантиришдаги ўқиш ва ёзиш" лойиҳасининг асосий тамойиллари. Ўқув жараёнида аналитик тафаккурни қўллашнинг 3 та босқичи: чакириқ, англаш, мулоҳаза юритиш.

Чакириқ: мавжуд билимлар даражасини аниқлаш, таълим оловчиларни фаоллаштириш.

Англаш: Билимларни мустаҳкамлаш ва ўз тасаввурларини қайта қуриш.

Мулоҳаза юритиш: Янги ўқув материални тушунишни таъминлаш. *Рефлексия*.

Аналитик тафаккурни ривожлантириш усуллари

Ўқитувчининг махсус саволлари-таълим оловчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш воситалари. "Ахборотларни йиғиш"нинг синквейн усули. Ахборотларни кенгайтиришнинг кластер усули. Матн билан "инсерт" усулида ишлаш. *Ижодий ва ностандарт тафаккурни ривожлантиришда "тафаккур бўрони" ва мунозара усулларидан фойдаланиш*.

Аналитик тафаккурни ривожлантиришдаги янги усуллар

T-схема усули. Таққосланадиган иккиламчи маълумотларни универсал график ташкил этувчи "Кубик" усули. Ҳамкорликдаги таълим афзалликлари. Ҳамкорликда таълим олишнинг асосий элементлари: ижобий ўзаро боғлиқлик, бевосита қўллаб-қувватловчи ўзаро таъсир, индивидуал ҳисобот, шахслараро муомала кўникмалари. *"Зигзак"- 1 ва "Зигзак" - 2 усуллари*.

Жадаллаштирилган маърузалар технологияси

Педагог ва таълим олувчиларнинг тайёргарлик фаолияти. Чақириқ, англаш, мулоҳаза босқичлари. Ҳар бир босқичдан сўнг хулосаларни умумлаштириш. Жадаллаштирилган маърузалар жараёнида кластер, инсерт, синквейн усуллари, "тафаккур бўрони" ва мунозара усуллари ва имкониятлари. *Яқиний вазифалар ва материални ўзлаштиришни текшириш.*

Талабалар билимини ўзлаштириш сифатини баҳолашнинг асосий мезонлари ва турлари

Баҳолашни амалга оширишда объективлик тамойиллари. Бир хил шароитларда турлича синашлар. Баҳолашнинг ишончилиги-педагогик ўлчашларнинг аниқлиги даражаси. Баҳолаш усулининг валидрилиги ёки ишончилиги. Баҳолашда объективлик, ишончилик ва валидриликни ошириш усуллари ва уларнинг пасайтирилиш сабаблари. Талабанинг руҳан кўтаринкилик фаолиятини мустаҳкамлаш. Натижаларни билиш қондаси. *Кундалик ўқув материалларини ўзлаштирилганлигини баҳолаб бориш усуллари.*

Билимларни назорат қилиш технологияси

Оғзаки назоратнинг ўзига хос хусусиятлари. Ёзма назоратнинг афзалликлари ва камчиликлари. Тест назорати-педагогика ривожланишида янги босқич сифатида. Билимларни оғзаки, ёзма ва тест усулида назорат этишни такомиллаштириш хусусиятлари. Тест топшириқлари шакллари: очик тест, тўғри кетма-кетликни белгилаш бўйича топшириқлар, мувофиқлик бўйича вазифалар. *Тестларнинг ҳозирги замон назарияси.*

Таълим беришда мотивлаштириш ва фаоллаштириш

Таълим беришнинг ички ва ташқи мотивлари. Талабалар фаоллигини бошқариш. Юқори даражада фаолликка имкон берадиган вазиятлар. Таълим олувчилар билимлари даражаси ва сифатининг қизиқишларга боғлиқлиги ва уларнинг ўқитувчиларга муносабати. *Ютуқларни мотивлаштириш тренинги.*

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ МАВЗУСИ

"Янги педагогик технологиялар" фанининг предмети ва усуллари

"Янги педагогик технологиялар" фанининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Янги педагогик технологиянинг моҳияти ва асосий йўналишлари. Янги педагогик технологияларнинг Ўзбекистонга кириб келиши. Педагогика ва педагогик технологиялар.

Анъанавий педагогик қарашлар ва ёндашувлар

Қадимги дунёдаги педагогик қарашлар. Ўрта асрлар ва янги даврдаги педагогик таълимотлар. Марказий Осиё халқларининг педагогик анъаналари.* XIX асрнинг биринчи ярми ва XX асрдаги анъанавий педагогиканинг ўзига хос жиҳатлари.

Педагогик технологиянинг такомил босқичлари

Бихевиоризм фалсафаси. Ҳатти-ҳаракат ва изланишлар. Педагогикага аниқ экспериментал психологиянинг кириб келиши. Таълим-тарбияда эксперимент. Янги педагогик технологияларнинг Ўзбекистонда жорий этилиши. И. Каримов - Ўзбекистонда янги педагогик технологиялар яратишнинг асосчиси.*

Таълим беришда турли хил ёндашувларни таққослаш

Ўқув жараёнида таълим олувчиларнинг фаоллигини таъминлаш.* Ўқув материални тақдим этишнинг муқобил усуллари. Анъанавий изоҳловчи иллюстрация ёндошуви. Изоҳловчи иллюстрация ёндашувнинг янги педагогик технологиялар шаклланишидаги ўрни ва роли.

Янги педагогик технологияларда ўқув мақсадининг ўрни ва роли

Анъанавий педагогика ва янги педагогик технологияларда ўқув мақсадининг фарқи.* Янги педагогик технологиядаги умумий, хусусий ва алоҳида ўқув мақсадлари. Таълим жараёнида умумий, хусусий ва алоҳида мақсадлар ўртасида узвий мантиқий, педагогик, психологик боғлиқликни таъминлаш тамойиллари.

Замонавий шарт-шароитларда таълим беришнинг қонунлари ва қонуниятлари

Торндайк қонунлари. Таълим жараёнининг умумий қонуниятлари.* Таълимдаги хусусий қонуниятларнинг таъсир соҳалари. Педагогик технологияларнинг асосий белгилари. Педагогик технологияларнинг таърифи.

Ўзлаштиришнинг самарали (продуктив) ва ижодий изланувчанлик даражасида педагогик технологиялар

Р. Ганье ва Л. Бригес самарали таълим мазмуни ва шакли ҳақида. Самарали таълимда тафаккурни шакллантирувчи асосий мотивлар.* Ижодий ўзлаштиришнинг Дж. Кероли ва И.Блум технологияси. Ўқув ахборотларини баён қилишда ўқув қўлланмаларидан, дарсликлардан фойдаланиш. Ўқув материалларини ўзлаштирилганлигини кундалик баҳолаб бориш.

Аналитик тафаккур усулида таълим бериш асослари

Аналитик тафаккурнинг очик ва демократик жамият тамойилларига мослиги.*
Ўқув жараёнида аналитик тафаккурни кўллашнинг чақириқ, англаш, мулоҳаза юритиш каби босқичлари.

Аналитик тафаккурни ривожлантириш усуллари

Таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш воситалари.
"Ахборотларни йиғиш"да синквейн усули.* Ахборотларни кенгайтиришда кластер усули.* Матн билан "инсерт" усули ёрдамида ишлаш.* "Натижаларни билиш" қоидаси.

Педагогик технология ва мустақил ижодий тафаккур

Мустақилликни мустаҳкамлашда талабалар эркин тафаккурини шакллантиришнинг долзарблиги. Эркин тафаккурни шакллантириш омиллари ва шартлари. Эркин тафаккурни шакллантиришда янги педагогик технология тамойилларининг ишлаши. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда янги педагогик технология.*

Ўқув мақсадларини системалаштириш

Мазмунини ўрганишга кўра ўқув мақсадини белгилаш. Педагогик фаолиятга кўра мақсадни белгилаш. Талабанинг ички интилишига кўра мақсадни белгилаш.* Талабанинг ўқув фаолиятига кўра мақсадни белгилаш.

Талабаларда билишга қизиқишни ошириш ва янги педагогик технологиялар

Билишга қизиқишни орттиришнинг моҳияти, воситалари ва усуллари. Билишга қизиқишни орттиришда тест топшириқларининг роли. Тест топшириқларини мақсад ва вазифага кўра тайёрлаш.* Молиявий таълимда тестларни ўзига хос тарзда тайёрлаш ва ўтказиш.

Ўқув мақсадига эришиш ва уни баҳолаш

Оғзаки ва ёзма назорат, унинг турлари, уларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тест назорати, унинг устунлик жиҳатлари.* Тест назоратининг камчиликлари, бунда талабанинг жавобни ўзи тайёрлаш имкониятининг чекланганлиги.

Ўзбекистон Республикасида янги педагогик технологияларнинг ривожланиши

Илғор педагогик технологияларни йиғиш, классификация қилиш ва жорий этишда олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг роли. Олий ўқув

юртларида янги педагогик технологияларни жорий этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг мавжудлиги.*

Янги педагогик технологияларини жорий қилиш ва кадрлар муаммоси. Янги педагогик технологиялар ва ахборот макони бирлиги.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Кўргазма-намойиш материаллар рўйхати:

- янги педагогик технологияларнинг илм-фан амалиёт билан боғлиқлигини акс эттирувчи схематик плакатлар;
- янги педагогик технологияларнинг илмий тадқиқот усуллари кўрсатилган плакатлар;
- таълим мазмунини ташкил қилувчи таълим тамойиллари акс этирилган кўргазмали плакатлар.

Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат қилиш турлари

жорий баҳолаш учун:

- семинарнинг машғулот саволларига ёзма жавоблар тайёрлаш;
- оғзаки баҳс-мунозараларда қатнашиш;
- тест вариантларига жавоблар бериш;
- рефератлар ёзиш.

оралиқ баҳолаш учун:

- маъруза дарсларига қатнашиш;
- маърузалар мазмунини ёзиб бориш;
- маъруза дарсларида савол-жавоблар билан фаол иштирок этиш.

яқуний баҳолаш учун:

кафедрада тасдиқланган фан дастури бўйича вариант саволларига тест ёки оғзаки савол-жавоблар кўринишида жавоб бериш.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.
12. Беспалько Б. Слагаемые педагогической технологии.-М.: Педагогика, 1999.
13. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ, 1997.
14. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
15. Фарберман Б. Л, Мусина Р. Г., Ф. А. Джумабаева. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари.-Т.: 2002.
16. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. -Т.: Фан, 2000.

Қўшимча адабиётлар

1. Дайана Халперн. Психология критического мышления. Санкт-Петербург, 2000.
2. Джени Стил, Керт Мередис, Чарльз Телигл. Проект: Чтение в письмо для развития критического мышления. Пособия 1-7. Бишкек, 1998.
3. Мавлонова Р, Тўраева Ж. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Педагогика. (А.Мунавваровнинг умумий таҳрири) -Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс.-М.: 1999.
6. Равен Джон-младший. Педагогическое тестирование: проблемы, заблуждения, перспективы. Пер. с англ. - М.: 1999.

7. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии - М.: 1998.
8. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. Санкт Петербург, 1996.
9. Слостенин В.А., Л.С.Подмова, Педагогика: Инновационная деятельность. - М.: 1998.
10. Фарберман Б. Л, Р. Г. Мусина, Ф. А. Джумабаева. Современные усулы преподавания в вузах. -Т.: 2001.
11. Ғайбуллаев Н. Педагогика. -Т.: 1996.